



ИШОНСН


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 апрел, сешанба №51 (883)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Гулистонда миллий мафқуранинг шакллантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда куни кеча Тошкентда миллий мафқуранинг шакллантиришга бағишланган йиғилишда Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалар ва уларни ҳаётга жорий этиш масалалари муҳокама этилди. Тадбирда сўзга чиққанлар миллий мафқуранинг илмий-назарий пойдеворини яратиш, унинг турмуш тарзимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш, бу ишда ҳар бир фуқаронинг фаоллигини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Суратда: Кабул пайти. А. Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 апрел куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембскийни қабул қилди. Учрашувда меҳмон Ўзбекистон Президентига Россия Президентининг вазифасини бажарувчи В.Путиннинг шахсий мактубини топширди.

Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг учинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда делегатлар, касаба уюшмаларининг фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов ўқиб эшиттирди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги асосий вазифалари ҳақида Федерация кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова маъруза қилди.

Шунингдек, икки миллион нафар бола юртимизнинг сўлим масканларида хордиқ чиқарди.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари билан ўзаро алоқалари ҳам йил сайин кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Айни пайтда жаҳоннинг эллиқдан зиёд касаба уюшмалари марказлари, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Улар орасида Германия, Япония, Дания, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларнинг касаба уюшмалари бирлашмалари бор.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастури, янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди. Қўрилган масала-

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Анжуманда касаба уюшмалари меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, барча соҳаларда ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга ошираётгани таъкидлаб ўтилди. Касаба уюшмалари ижтимоий адолатни қарор топтириш, ижтимоий мадад ва нафақалар ҳақиқатда ҳам эҳтиёжмандларга берилишини таъминлаш ишига ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг биринчи ярмида аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш учун 19 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. 16 ёшгача фарзанд бўлган бир миллион оила, 260 миң кам таъминланган оила, шунингдек, икки ёшгача боласи бўлган 540 миң нафар ишламайдиган она моддий мадад олди.

лир юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Дилбар Жаҳонгирова бир овоздан яна Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси этиб сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов сўзга чиқди. Шунингдек, Асакадаги «ЎздЭУавто» қўшма корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси М.Олимов, касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши раиси М.Содиқов, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири Ш.Ибрагимов, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси И.Абдуғаниев, касаба уюшмалари Навоий вилоят кенгаши раиси С.Махнёва, Арнасой туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги аъзоси Р.Ўтабобов, Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис депутати Н.Зайниев сўзга чиқдилар.

Хисобот даврида меҳнатқашлар ва улар фарзандларининг саломатлигини тиклаш, дам олишини янада яхшилаш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Хусусан, республикадаги санаторий ва дам олиш уйларида касаба уюшмалари томонидан ажратилган имтиёзли йўлланмалар билан 535 миң, санаторий-профилакторийларда эса 705 миң

Анжуман иштирокчиларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов муборакбод этди.

Қурултой ишида бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Филомова, бош вакир ўринбосари Х.Караматов қатнашдилар.

КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ВА ЗАМОН

Тошкентда касб-хунаар таълими бўйича давлат таълими стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Уни Ўзбекистон Махсус касб-хунаар таълимини ривожлантириш институти ҳамда Европа таълим жамғармаси ташкил этган.

Анжуманда Буюк Британия, Германия, Франция, Финляндия каби Европа мамлакатлари, шунингдек, МДХ мамлакатлари ҳамда Мўғулистондан вакиллар иштирок этмоқда. Таълим соҳасини такомиллаштириш барча мамлакатларда ҳам бирдек муҳим бўлган долзарб масаладир. Ёш авлодни ўқитиш, хунаар ўргатиш, меҳнат бозорига тайёрлаш мамлакат тараққиётини белгилувчи асосий мезонларидан. Бу соҳага мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Янги-янги мактаблар, ёшларни фойдали касбларга йўналтириш мақсадида коллежлар, академик лицейлар очилляпти.

Гарчи ёшларга таълим бериш, уларга хунаар ўргатишда ҳар бир давлат ўз миллий анъаналари ва маҳаллий шарт-шароитга таъйиниб иш юритса-да, бу хайрли ишдан кўзланган мақсад барча давлатларда бир хил. У ҳам бўлса, ёшларни жамият тараққиётида фаол иштирок этишга тайёрлаш, етук ва баркамол инсон сифатида шакллантиришдир. Пойтахтдаги анжуманда кўрилатган масала эса касб-хунаар таълимини халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, унинг маҳаллий ва халқаро меҳнат бозори талабларига мос ягона стандартларини яратишдир. Чунки, дунёда интеграциялашув жараёни жадал кечмоқда. Ҳозирги ёшлар хунаар ўрганиш экан, нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг исталган мамлакатларида ўз касби бўйича бемалол фаолият кўрсата оладиган бўлиши керак.

Анжуман иштирокчилари уч кун давомида касб-хунаар таълими масалаларида МДХ мамлакатларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маърузалар тинглади. Европа таълим жамғармаси экспертлари билан бўладиган мулоқотларда ўзаро фикрлашди, шунингдек, «Евростандарт» услублари ҳамда касб-хунаар таълими соҳасида Франция тажрибалари билан танишди. Анжуман дастури бўйича тадбирнинг учинчи куни Ўзбекистонга бағишланган.

(ЎЗА)

Дилдаги гаплар

Касаба уюшмалари Федерацияси қурултойи қатнашчилари ўзларини ўйлантираётган, тўлқинлантираётган масала-муаммолар юзасидан кенг фикр алмашдилар. Энг оммавий ташкилот нуфузини кўтариш, келишувчанлик иллатидан воз кечиш, бозор шароитида меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан тўпланган тажрибаларни омаллаштириш юзасидан қимматли фикрлар ўртага ташланди. Қуйида улардан айримлари эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Ўрмонбой Тўлаганов, «Оқтош» сихатгоҳи бош ҳакими

«Соғлом авлод йили» дастури олдимизга масъулиятли вазифалар қўйди. Хусусан меҳнатқашлар саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан кенг қўлланишларни амалга оширяямиз. Бу борада Федерация Кенгаши яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан ўтган йили сихатгоҳимизда «Она ва бола» бўлими ишга туширилди, Шунингдек, шу ернинг ўзида ташхис қўйиш имконини берадиган клиник лаборатория, рентген кабинетлари ҳам иш бошлади. Беморлар учун катта наф келтирадиган юқори электромагнит майдони билан даволовчи аппарат келтирилганлиги

барчани хушуд этди. Шу ўринда бир фикрини алоҳида таъкидламоқчиман: санаторийларнинг бир қисмини уларнинг ишини яхшилаш, замонавий андозаларга мувофиқ келтириш мақсадида акциядорлик жамиятларига айлантириш режасини маъқуллаш керак. Айни пайтда санаторийларга йўлланма билан тула таъминланди. Эътиборлиси шуки, ишчилар ўзлари истаган шифо масканларига йўлланма олишлари мумкин. Айниқса, мутахассисларимиз Семашко номли сихатгоҳда дам олишни ёқтиришадди. Ҳозирги кунда «Кизирик» санаторийи ҳам чакки эмас.

Орол Тангрикулов, Ангор туман нон корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси.

Корхонамизда малакали ишчилар фаолият кўрсатадилар. Уларнинг барчаси

касаба уюшма аъзосидир. Ходимларимизнинг саъй-ҳаракати билан ойига 120 тонна унни қайта ишламоқдамиз. Бу харидорғир неъмат вилотнинг турли туманлари ҳамда Термиз шаҳрига етказиб берилмоқда.

Биз ишчиларнинг меҳнатдан кейин кўнглини дам олишлари учун барча шарт-шароитни муҳайё этишга ҳаракат қилаяёмиз. Яхшигина маблағ сарфлаб намунали дам олиш хонаси барпо этилди, у керакли хижозлар билан тула таъминланди. Эътиборлиси шуки, ишчилар ўзлари истаган шифо масканларига йўлланма олишлари мумкин. Айниқса, мутахассисларимиз Семашко номли сихатгоҳда дам олишни ёқтиришадди. Ҳозирги кунда «Кизирик» санаторийи ҳам чакки эмас.

Қурултойда келишувчанликка барҳам бериш, касаба уюшмаларининг меҳнат бозоридagi жараёнларни тартибга солишдаги иштирокини фаоллаштириш, одамларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш ҳақида гап борганлиги айни муддао бўлди. Ҳозирги кунда

кўп саволларга жавоб олдим. Делегатлар меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавф-хатарсиз меҳнат шарт-шароитини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш масалалари ҳозирги босқичда касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини одилона эътироф этдилар. Бу ҳақда айниқса бошланғич ташкилот мутасаддилари алоҳида бoш қотиришлари керак. Зеро, касаба уюшмаси қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади.



Бугуннинг гапи

ЎЗ УЛУШИМИЗ БЎЛСИН

Бугуннинг ва эртанги куннинг миллий мафқураси ва маънавияти қандай бўлади? Маънавий бўлиш нима? Шу каби саволлар ҳар биримизни қизиқтириши табиий. Хўш, одамлар жойларда бу борада қандай ўйлар билан яшамоқда.

Мухбиримизнинг Пайарик тумани прокурори Фахриддин Жумаев билан суҳбати шу мавзуда кечди.

— Мухтарам Президентимизнинг «Маънавият узлуксиз... жараёндир. Фикр-тафаккур, ҳис-туйғулар тиним билмаганидек, уларнинг махсули ўлароқ маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгилашда бўлади», — деган сўзлари бизни доим огоҳликка чорлайди. Яқинда миллий мафқура ва маънавият масалаларига бағишланган йиғилишда бу фикрлар янада чуқурлаштирилди.

— Дарҳақиқат, бизни ўтмишимиздан узиб ташлашга интилишлар бўлгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Шукурки, мустақиллик ҳақиқатни тиклади. Лекин кенгаги кун онгимизда, шуғримизда шундай оғир асоратлар қолдирдики, улар кундалик ҳаётимизда ҳамон

тез-тез зуҳр этиб туради. Жумладан содир этилаётган жиноятларнинг аксарият қисми маънавиятсизлик нишониси деб бемалол айтиш мумкин.

Зеро, прокурорнинг бугунги вазифаси жиноятларни қайд этиш, кузатувчи бўлиб қолиш эмас, аксинча, жиноятнинг олдини олишда фаол иштирокчи бўлишдан иборат. Шу мақсадда ўтган йил бошдан «Ёшлар келажиги — Ватан келажиги» мавзусида ўқув машғулотларини бошлаб юбордик. Ўқув режаси асосида ҳар бир мактабда маъмурий орган ходимларининг бўлиши, эркин мулоқот асосида ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бериши таъминланди. Натияжада бир қатор муаммоларни биргаликда бартараф этиш имкони тугилди. Табиийки, асосий иш энди бошланди.

— Хайрли ташаббусни қўллаб-қувватловчилар топилгандир?

— Бўлмасачи. «Янгиобод» ширкат хўжалиги раиси Жондил Суноатов биринчилардан бўлиб тарғиботни кенг жамоатчилик орасига қўйириш ташаббуси билан чиқди ва бугун мавжуд 9 қишлоқда тарғибот-ташвиқот режаси бўйича иш олиб бормоқда.

Вилоят ҳокими маънавият ва маърифат марказида ишлаб келгани учунми, эртанги куннинг миллий мафқураси ва маънавияти қандай бўлади? Маънавий бўлиш нима? Шу каби саволлар ҳар биримизни қизиқтириши табиий. Хўш, одамлар жойларда бу борада қандай ўйлар билан яшамоқда.

Бойзоқовни ҳам қўйиш мумкин. Қўраясизми, гайратли раҳбар ҳар бир ишга вақт ҳам, имкон ҳам топади.

— Чиндан ҳам миллий ғоя ва мафқура бобда ишнинг катта-кичиги бўлмайди.

— Тўғри айтасиз. Аҳоли билан ўртамаздаги муносабатлар яқинлашгани сабабли одамлар энди қувонч ва ташвишларини ўртоқлашгани, оғриқли муаммоларни ҳал қилишга ёрдам, маслаҳат қўраб келадиган бўлишди. Шу йил бошда Зариф исми спорт тренераи шундай илжинж билан келди. Маълум бўлишича, спорт секцияларини ўтказишга мос бино тополмаётган экан. Сўраб-суриштириб, тегишли ташкилотларнинг мадади билан бўш ётган данғиллама дўконнинг иккинчи қавати ажратиб берилди. Қарабсизки, спортнинг дзюдо, карате турлари бўйича секциялар иш бошлаб юборди. Тез орада залда маданият-маърифат хонаси ҳам иш бошлади. Энди одамлар бу ерга ёйиш-ичиш учун эмас барчасидан улуг маънавий озуқа олиш учун келишляпти.

— Албатта, маънавий баркамол деганда соғлом, бақувват шу билан бирга ахлоқий пок, мард ва ҳалол инсонлар тушунилади. Бошқаларни ортимиздан эргаштириш, ишонтириш ўзимиз аввало шундай сифатларга эга бўлишимиз лозим. Шундай эмасми?

— Мен юқорида тилга олган раҳбарлар ана шундай тили билан дили бир одамлар, уларга бемалол суяниш мумкин. Қолаверса бундайлар орамизда кўп. Ҳамма гап, — уларни ягона ғоя атрофида бирлаштиришдир.

— Юртбошимиз «ёшлар бамисоли наъ-нихол, агар уларни тўғри ўстириб парваришлаб воғга етказмасак, иймонсиз, ватанфуруш, тантанарварларни тарбиялаш, улар онда шу улуг Ватаннинг шонли саҳифалари билан фахрланиш ҳиссини уйғотиш, ягона ғоя асосида бирлаштириш сизу бизнинг, бутун миллатнинг ишидир.

Суҳбатдош Я.САРИЕВ.

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, инсонпарварлик йўли ўз фуқароларининг ижтимоий ҳимоялашдаги аниқ дастурлари билан белгиланади. Меҳр-саҳоват кўрсатмоқ, мухтожларга ёрдам қўлини чўзмоқ, хайр-эҳсон, инсоф ва адолат билан иш тутмоқ эса ўзбекистон кўҳна қадриятларидан ҳисобланади. Мустақиллик шарофати билан бо-бомерос қадриятларимиз қонунларимизга кўчди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Юртимизда адолатли, халқпарвар, демократик жамият барпо этиш йўлидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларда, халқ хўжалигининг барча соҳаларида, қолаверса, мустақиллигимиз пойдеворини мустақимлашда энг оммавий жамоат ташкилот сифатида касаб уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланаман.

Вилоят агросаноат тизимидagi мавжуд 509 та бошланғич ташкилотда истиқлол гоёларига содиқ, халқ манфаати учун жонкуяр ёшлар фаолият кўрсатаётир. Касаба уюшмалари меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тизимдаги 183 та давлат ва 320 та нодавлат корхона ва ташкилотларнинг барчасида жамоа шартномалари ва битимлар тузди.

Хўжалиқнинг санацияга тушиши, ширкат ва фермер хўжалиқларига ўтиши муносабати билан вилоятда 20 мингдан ор-

Шартномаларда белгиланганидек, ҳисобот даврида 2460 та кам таъминланган оилаларга 18,5 миллион сўмлик моддий ёрдам, 1352 нафар боланинг суннат тўйларини ўтказишда моддий-маънавий кўмак уюштирилди.

Тармоқ касаб қўмитаси меҳнатқашларнинг ҳуқуқий манфаатларини

лакат устуни. Чунки фақат соғлом инсонгина жамиятга, давлатга, жамоасига фойда келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам вилоятимиздаги барча туман ва бошланғич касаб уюшмалари ўз ҳаракат дастурини соғлом авлод камоли, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилалар манфаатини ҳимоялашга

дона этик, 75 минг сўмлик иссиқ кийим-кечаклар, ўсимлик ёғи, ун, гуруч, макарон маҳсулотлари билан таъмин этилди. Шунингдек, Ромитан туманида оилавий ногиронлар учун мурувват ёрдами сифатида уст-бош ва оёқ кийими, ун маҳсулотлари топширилди.

Бундан ташқари, Наврўз байрамига бағишлаб тармоқдаги қишлоқ хўжалик коллежлари жамоаси ўртасида миллий кураш ва минифутбол бўйича вилоят биринчилиги ўтказилиб, ушбу мақсадлар учун қарийб 90 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Бозор иқтисодиёти шароити барчамиздан ташаббусни, масъулиятни дадил зиммамизга олиб фаолият юритишни тақозо этади. Биз касаб уюшма фаоллари меҳнатқашларга яқин бўлиш, уларнинг орзу-интилишлари, дарди билан яшани фаолиятимизнинг бош йўналиши деб биламиз. Зеро, давлатимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат касаб уюшмаларининг меҳнат қишисини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига янги омил бахш этади.

Юсуф ҚУРБОНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Бухоро вилоят қўмитаси раиси.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

меҳнатқаш ундан қандай наф кўраётми?

тиқ ишчи ўринлари қисқарди, касабқўмлар эса, маъмурият билан ҳамкорликда уларни иш билан таъминлашни жамоа шартномаларига киритдилар. Вилоятдаги ягона бандлик дастури асосида 75 фоиз фуқаролар янги иш жойларига эга бўдилар, 7,5 фоизи эса меҳнат биржаларида рўйхатга олинди.

Умуман, жамоа шартномалари тadbирларини бажариш учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 1998 йили 2095 сўм маблағ сарф этилган бўлса, бу йил 2210 сўмданга тўғри келмоқда.

Бу-агар бир ходим ўрта ҳисобда 350 сўм атрофида касаб уюшма бадали тўлаган бўлса, бунинг эвазига 2210 сўмлик манфаат кўради, демакдир.

ҳимоя этишга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Бухоро туманидаги «Чорбакр» жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлаётган М.Тошев ва ҳеч бир сабабсиз хўжалик бошқаруви раиси томонидан ишдан олинди. «20-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-кўча механизациялашган колонна бошлиғи М.Маҳмудов ҳам трест раҳбарининг арзимаган важи тўғрисида асоссиз эгаллаб турган лавозимдан бўшатилди.

Вилоят қўмитасининг аралашуви билан ноҳақ ишдан олинган касаб уюшмаси аъзолари ишга тикландилар. Булардан ташқари, ўнлаб ноқонуний ишдан бўшатилганлар ҳам ўз лавозимларига қайтарилди, адолат ва ҳақиқат ўз жойида қарор топди.

Соғлом авлод — мам-

қаратмоқдалар.

«Соғлом авлод йили» муносабати билан вилоят қўмитасининг ўзида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Кўп фарзандли, кам даромадли соҳа аъзоларининг болалари учун 55 минг сўмлик бадий-ўқув адабиётлари, 40 минг сўмлик спорт кийим-ҳозлари ҳада этилди. Уларнинг Самарқанд шаҳри тарихий обидаларига савъат қилишлари учун 70 минг сўм, мактаб ҳудудини кўкаламзорлаштириш учун эса 10 минг сўмлик маблағ ажратилди. Вилоят қўмитаси ходимларининг ташаббуси билан шаҳардаги 24-сон мактаб-интернат жамоасига бир кулик иш ҳақи кўчирилди.

Узоқ чўлларда меҳнат қилаётган аъзоларимиз 350 минг сўмлик 100

Жарқўрғон туманидаги Норали Боймуродов номи жамоа хўжалиги ҳудудидagi барча қишлоқларда маҳалла гузарлари ташкил этилган.

Меҳнат-роҳат маҳалла гузари энг ибратли гузарлардан ҳисобланади. Бу ерда аҳолига тикучилик цехи, пойабзалларни таъмирлаш цехи, новвойхона, чойхона, кичик бозорча хизмат кўрсатмоқда. Тикучилик цехида хизмат қилаётган Тохиржон Саидов ва Гулчехра Саидовлар томонидан тайёрланаётган турли кийим-бошлар барчага маълум келмоқда.

Суратда: Тикучилар Тохиржон Саидов ва Гулчехра Саидова.
Бахтиёржон ҲАМРОКУЛОВ
олган сурат.

ҚОНУН УСТИВОР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қурилиш ва саноат қурилиш материаллари мажмуи тизимидagi хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари иштирокида шартномавий муносабатларга бағишланган семинар-кеңаш бўлди. Унда мажмуа таркибига кирувчи корхоналарда шартномалар тузиш ва ихросини таъминлашнинг аҳволи муҳокама этилди.

Семинарда кейинги йилларда мажмуа тизимидagi корхоналарда шартномавий муносабатларни қонун асосида ташкил этиш, ихросини ўз вақтида таъминлаш ва бу борада ҳуқуқшуносларнинг мажмуени оширишга катта аҳамият берилганлиги таъкидланди. Шартномалар ихросини ўз вақтида таъминлаш иқтисодий ислохотларимиз чуқурлаштирилишининг муҳим кафолатидир. Шундай экан бу борада талабчанликни ошириш, малакали юристларни жалб этиш зарур. Анжуманда хўжалик юритувчи субъектларни, энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш бўйича қонунчиликда белгиланган чораларнинг қўлини устидан назоратни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҚУНИ

Оролбўйи ҳудудидagi барча овул ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қуни кенг нишонланди. Шу муносабат билан Нукусда жамоатчилик вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари 1993 йил 9 апрел қуни Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон мустақиллигининг шарофати эканлигини таъкидладилар.

Тантанали йиғилишда фан, маданият ва ишлаб чиқариш илгорларидан катта бир гуруҳига Қорақалпоғистон Республикасининг давлат мукофотлари топширилди. Жўқорғи Кенгес Раиси Т.Қамоллов мукофотланганларни қизғин табриқлаб, уларнинг келгуси ишларига зафарлар тилади.

Жаҳон цивилизацияси тараққиётига тамал тошини қўйган Шарқ ғўзлаб, минглаб олимларни етиштиргани ҳеч кимга сир эмас. Бундай табаррук зотларнинг Ватанимиз равақи ва ижтимоий ривожланиши учун қўйган булук ҳиссалари ҳозирги кунда ҳам ардоқлаб келинмоқда, уларнинг номлари эса абадийдир. Мустақиллигимиз шарофати билан ота-боболаримизнинг кўп асрлар давомида тўплаган бой меросини ўрганиш учун шароит яратилди.

Яқинда Тошкент Давлат иқтисодий университетидagi «Иқтисодий мерос ва жаҳон таърибаси» мавзусидаги илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда иқтисодчи, тарихчи, шарқшунос олимлар қатори АҚШнинг Мэриленд университети олимлари ҳам иштирок этидилар.

Илмий маърузаларда Шарқ мутафаккирларининг бой иқтисодий мероси,

уни ўрганиш, таҳлил этиш ва амалда қўллаш мисаллари кўриб чиқилди. Айниқса «Ўзбекистон иқтисодиёти тарихи»ни яратиш ва уни олий билимгоҳларда ўқитишга алоҳида эътибор берилди. Марказий Осиё донишмандларининг Фарб ривожига таъсири ва ҳозирги даврда етакчи давлатлар таърибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши қайд қилинди.

ИҚТИСОДИЙ МЕРОС ТАРАҚҚИЁТГА ҚАНОТ

Конференция иштирокчилари томонидан қўйилган муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар ва тавсиялар берилди. Шулар орасида «Иқтисодий мерос илмий жамиятини яратиш ва унга шу соҳадаги етакчи олимларни жалб этиш», «Ўзбекистон иқтисодиёти ва иқтисодий таълимотлар тарихи» тадқиқотини олиб бориш, малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу ишлар маркази сифатида ТДИУ «Иқтисодий тарих» кафедраси танланди. Чунки, ушбу кафедранинг иқтидорли олимлари тар-

биялашда ўзига хос йўли бор. 1963 йили профессор Саидахмад Фуломов ташаббуси билан Тошкент халқ хўжалиги институтидagi «Халқ хўжалиги ва иқтисодий таълимотлар тарихи кафедраси» номи билан иш бошлаган эди. Кафедранинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у республикамизда ҳатто минтақада ягона ҳисобланарди. Шу сабабли, улар иқтисодий фанининг муҳим бир таркибий қисми бўлган «Иқтисодий тарих» ва «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанларини ўқитиш, услубий ва илмий ишлар олиб бориш, шу со-

ҳадаги илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш марказига айланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Еш авлодга биз озода ва Обод Ватани мерос қолдирмоғимиз керак, улар боболарининг улук ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги гафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир» деган сўзлари олимларнинг илмий изланишларида асосий дастурий амал бўлиб хизмат қилади.

А.РАЗЗОҚОВА,
Х.ТўРАХОНОВА.

Иқтисодий таъмурий буйруқбозлик тазъийқидан халос қилинган тугайли тараққиёт сари юз тутди. Фаолиятдаги эркинлик кафолати меҳнат жамоаларининг, тadbиркорларнинг ташаббусларини уйғотишга омил бўлди. Афсуски, гурuch қурмақсиз бўлмаганидек, гоҳида берилган эркинликлар доирасидан чиқиб, ўзбошимчилик билан иш тутатганлар ҳам учраб қолаётти. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига хилоф бўлиб, меҳнат аҳлининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётти. Нарпай туманидаги «Пилла» очик турдаги акционерлик жамияти агрономи Орзигул Равшанованин шикоят хатига кўтарилган масалаларни ўрганиш чоғида биз анча-мунча жумбоқли ҳолатларга дуч келдикки, бу ҳақда баъзи мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Корхона раҳбари Самад Остонов мазкур лавозимда қарийб 20 йилдан буён ишламоқда. Шикоят муаллифи Орзигул Равшанованин шу корхонадаги иш стажидан бундан ҳам зиёд. Шунча вақт мобайнида ишхона ҳам кишига оиласидек қадрдан бўлиб кетди. Аммо узоқ йиллар бирга ишлаган баъзи одамлар ўртасига совуқлик тушгани сабабининг тағига етиш қийин бўлди. Айрим ўринларда шикоят муаллифининг эътирозлари асослидек кўринади. Баъзан корхона раҳбари ҳақдек. Аммо қонун талаби ҳаммабиз учун ягона мезондир.

Ҳеч кимга сир эмаски, шикоят ўз-ўзидан ёзилмайди. Киши иложсиз бир шароитга тушиб қоладики, четдан ёки юқори идоралардан ёрдам, маслаҳат сўрашга мажбур бўлади. Хўш, О.Равшанова нима учун қўлига қалам олди? Назаримда, бунинг сабаблари қуйидагилардир:

Биринчидан, Нарпай тумани пиллачилик

ЭРКИНЛИК — ЎЗБОШИМЧИЛИК ЭМАС

идораси 1997 йил 15 январда жамоа умумий йиғилиши қарори билан очик турдаги акционерлик жамиятига айлантирилиб, тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Утган йили эса корхона бўлиниши натижасида жамият Низомига ўзгартириш киритилдию, лекин низом қонун талаби даражасида расмийлаштирилмади. Ажабланарлики шундаки, унда фаолият доираси, ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар етарлича аниқ белгиланмаган. Бундан ташқари, ўтган йиллар мобайнида жамиятнинг акцияларини чиқаришга эришилмаган ва акциядорлар амалда акцияга эга эмаслар. Ҳанузгача акционерларга бир марта ҳам устама фойз(дивидент)лар тўланмаган. Шунингдек, корхона раҳбари С.Остоновнинг турмуш ўртоғи

ислохотлардаги сохтакорликдан бўлак нарса эмас, деб баҳолаш мумкин.

Иккинчи сабаб. Корхонада меҳнат муносабатлари қонун талаблари даражасида тартибга солинмаган. Жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиб - қоидалари ишлаб чиқилмаган. Меҳнат шартномалари ҳам юзакки тузилган. Жумладан, соҳанин ишлаб чиқариш хусусияти, ишнинг мавсумийлиги меҳнат муносабатларини белгилашда инобатга олинмаган. Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунларига хилоф иш тутилишининг яна бир ифодаси қуйидагича: О.Равшанова корхонада Йигирма йилдан зиёд ишлаётганига қарамай, маъмурият ўтган йил бошида у билан муддатли (бир йилга) меҳнат шартномаси тузади. Бундай

қилиш мумкин эмасди. Шу каби тузилган меҳнат шартномасининг 9,10,11-бандларидаги шартлар ҳам қонун талабига мос келмайди. Ҳозирги айтилган-чи, ҳуқуқи поймол қилинган киши қачондир ўз эътирозини билдириши керакмики ё йўқми?

Учинчиси. Корхона раҳбари С.Остонов 1999 йил 26 августда О.Равшановани ишдан бўшатади. Каттақўрғон шаҳар суди бундан қонун талаблари қўпол равишда бузилганини асослаб, жабрланувчини 1999 йил 28 декабрдан ўз лавозимига тиклаш ҳақида қарор чиқаради. Корхона маъмурияти 2000

қилган, деб судга беришади. Лекин Нарпай туман суди: бу даврони рад этади. Энди яна бир нарсага эътибор беринг: Суд О.Равшановани ишга тиклаш ҳақида 1999 йил 28 декабрда қарор чиқарган. Уни ижро қилиш ўрнига Нарпай «Пилла» ОТАЖ маъмурияти (раис вазифасини бажарувчи М.Эрбобоев) қуйидаги мазмундаги буйруқни (2000 йил 13 январ) имзолайди: «Каттақўрғон шаҳар судининг 28.12.99 йилдаги қарори ва ушбу қарор юзасидан қассадаги шикоят келтирилган йўли билан бекор қилгунча шунингдек, уаста агрономи билан Равшанова О. ўртасида янгидан меҳнат шартномаси тузилгунга қадар аввалги ишга тиклансин ва Равшанова Орзигул жамиятга келтирган зарар — 48000 сўмин ундириш бўйича давво кўзғатилсин.» Бунақа ҳужжатнинг мағзини ўзингиз қақиб, ўзингиз ҳулоса чиқариб олаверинг. Ва, ниҳоят, шикоят хатида келтирилган молиявий-моддий ўзлаштириш, суистеъмоллик фактлари бўйича мутасадди идоралари бирор ҳулосага келадими, албатта.

Ҳуллас, шикоятни текшириш жараёнида қўрган-билганларимизни Самарқанд вилоят «Пилла» акционерлик бирлашмаси раҳбариятига маълум қилиш. Янги раҳбариятдан бундай ҳолга чек қўйдики, деган жавобни эшитдик. Демак, корхонада амалий ишларнинг самара беришига умид қилса бўлади, албатта.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Тармоқ касба уюшма кўмиталарида

ИМПОРТНИ ЭМАС, ЭКСПОРТНИ ЎЙЛАЯПМИЗ

Республикамиз истиқлолга эришгач, мамлакатимизда қурилиш ишларига эътибор қўйилди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаларининг ўзгариши, улкан бунёдкорлик ишлари ва халқ ҳўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган қурилишлар фикримизнинг далилидир. Асака шаҳридаги "ЎДЭУавто" қурилиш шарофати билан Ўзбекистон автомобил-созлик саноати мамлакатига айланди. Ёқилги-энергетика мажмуаси қурилишлари ҳамда Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги нефтни қайта ишлаш корхоналарининг бунёд этилиши ҳамда қайта таъмирланиши республикамиз ёқилги мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Энгил ва тўқимачилик саноати корхоналарининг барпо этилиши тайёр маҳсулотни хориз давлатларига экспорт қилиш имкониятини берди.

Бу ютуқларда бизнинг лойиҳачилар, қурувчилар, қурилиш материаллари саноати ходимлари бевосита иштирок этидилар.

Айни чоғда соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий, меҳнатдаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси аниқ тадбирлар асосида иш олиб бораёпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг касба уюшмаси ва ҳўжалик органлари ўртасидаги ижтимоий шеркчилик тамойилларини юқори поғонага кўтариш ва кенгайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, ходимларга 1995 йил учун кўшимча имтиёз ва кафолатлар қўшиш тақлифи билан қишда улар қабул қилинди. Кейинчалик тармоқ ходимларига меҳнат шартини ва уларга ҳақ тўлаш, ижтимоий кафолатларнинг асосий йўналишлари бўйича тармоқ Битимлари тузилди. Битимлар орқали иш берувчилардан тармоқ ходимлари учун Меҳнат қонунини кўрсатилганидан юқори ва кўшимча имтиёз ҳамда кафолатлар белгилашга эришилди. Масалан, энг кам иш ҳақи белгиланганидан 1,2-1,75 маротаба ошди. Оғир ва зарарли меҳнат шартини ишлайдиган ходимларнинг маошларига 12-24 фоиз миқдорда кўшимча тўловлар белгиланди. Асосий меҳнат таътилининг энг кам муддати 18 иш куни қилиб белгиланди. Корхоналарда ишлаганлик мuddатига қараб 7 гунагача кўшимча таътиллари берилмоқда. Бахтсиз ҳодиса ва касб касал-

сида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини текширди. Бунинг натижаси 450 қонунбузарликка барҳам берилди.

Меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрлари бузилиши, ишлаб чиқаришдаги шикастланганининг олдини олиш масаласи ҳам долзарб қилиб қўйилди. Тармоқнинг 169 корхонасида текширув ўтказиш натижасида иш берувчилар ва касба уюшма кўмиталари фаолиятларида аниқланган камчилик ва қоидабузилишларни бартараф этиш учун тегишли ҳужжатлар тайёрланди. Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳаф солаётган 54 қурилиш майдонларидаги иш ҳамда 112 та қурилиш дастгоҳлари вақтинча тўхтатилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Марказий кўмита қарорлари ва мувофиқ 1997 йилдан бошлаб меҳнатни муҳофазаси қилишда энг яхши жамоатчилик назорати ўрнатилди бўйича кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Бунда кўплаб касба уюшма ташкилотлари фаол қатнашаёпти. Голиблар ўз вақтида Ўзбекистон КУФК Дипломлари ва энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорини пул мукофотлари билан тақдирланаёпти. Ишлаб чиқаришда шикастланган, касб хасталигига учраган, бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган ходимларнинг оила аъзоларини ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоя қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланилаёпти.

Шу билан бир қаторда муаммоларимиз ҳам бор. Жумладан, кўпгина корхоналарда тармоқ Битимлари ва жамоа шартномаларининг барча талаблари амалга ошмаяпти. Иш ҳақини, таътил пулларини, меҳнатда етказилган зарарни қоплаш учун тўловлар, махсус кийимлар ва пойабзаллар, ҳимоя воситалари сотиб олиш, иш жойини баҳолашдан ўтказиш шу куннинг муҳим масалалари бўлиб турибди. Бу муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари қилинаёпти.

Шокиржон ЁКУБОВ, Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси.

Ижтимоий ҳимоя



ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

«Нерудник» очик турдаги акционерлик жамияти Бектемир туманидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири саналади. Бугунги кунда корхонада турли миллат вакилларида иборат 565 нафар ишловчи фаолият кўрсатмоқда.

Ишчиларимизнинг омилкорлиги туфайли, дейди биз билан суҳбатда акционерлик жамияти раиси муовини Абдужалил Алимов, - ўтган йили истеъмолчиларга 663 миллион 739 минг сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Бундай ютуққа эришимизнинг яна бир омилли муважуд 9 та цехнинг бирдек унум билан ишлашидир. Ундан ташқари, Чиноз, Сергели туманлари ҳудудларида цехларимиз бўлиб, улар ҳам қурилиш материалларини республикамизнинг барча вилоятларига, шу жумладан, Тошкент шаҳрига етказиб бермоқдалар.

Корхонада ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина хайрия ишларининг ўзига 3 миллион 451 минг сўм маблағ ажратилган. Бундан ташқари, ишчи-хизматчилар фарзандларининг ёзги ва қишқи дам олишларини

намунали ташкил қилиш, ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек ўта шарафли вазифалар юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган. Агар ўтган йили болалар «Булочка» ҳамда «Қўёшли» оромгоҳларида дам олиб, ўз соғлиқларини тиклашдан бўлишса, ишчи-хизматчилар касба уюшма томонидан берилган имтиёзга йўллан-

малар орқали санаторий ва профилакторийларда мароқли дам олдилар.


Шунингдек, боқувчисини йўқотган, яққа-ёлғиз яшовчи қарилар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш доимий диққат марказида. Уларга 81.500 сўмлик қурилиш материаллари бепул берилди. Касабақўм қарорига асосан, шу ташкилотда ишлаб ҳозир нафақада бўлган кишиларга ҳар ойда 3600 сўмдан моддий ёрдам бериб борилаёпти.

Корхона Бектемир туманини ободонлаштириш, унинг ривожига баракали кўмак беришни ҳам қанда қилмаяпти. Жумладан, туман шифохонасига 100 минг сўмлик жиҳоз олиб берилди. 289-мактаб ҳамда битта боғча доимий оталikka олинган.

Корхонанинг келгуси режалари янада улкан. Улар қўшни давлатлар билан шартномалар тузиб яқиндан ҳамкорлик қилиш мақсадида иш олиб боришмоқда. Корхона режаси бўйича, уларга сифатли маҳсулот етказиб бериб, эвазига зарур техник воситалар келтирилиши керак. Натижада корхона жорий йилда 1 миллиард 148 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлади.

Шавкат АБДУЛЛАЕВ, Акмал АЛЛАМУРОВОВ.

Суратларда:
1. Корхона бошлиғи муовини А.Алимов, 2-цех бошлиғи Б.Войтов, энергетик А.Муротов ҳамда экскаваторчи П.Панайот келгуси режалар хусусида фикрлашмоқда.
2. Қурилиш материаллари орталаётган пайт.



Бир вилоятдан хабарлар

КИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Олот туманининг Файзулла Хўжаев номи жамоа ҳўжалигига қарашли Тамжик қишлоғига табиғий газ келди. «Наврў» кичик корхонасининг пайвандловчилари қисқа мuddатда 2,3 километр масофадаги газ тармоқларини сошлаб, қишлоқ хонадонларининг ҳар бирида «зангори олов» ёнишини таъминлади.

«АЁЛ, ОИЛА ВА САЛОМАТЛИК»

Мана шу шир остида Бухорода ЮСАИД лойиҳаси «Глобал» халқаро анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистоннинг ноҳуқумат ташкилотларидан вакиллари ҳамда ЮСАИД, ЮНИСЕФ, Тинчлик корпуси, Жаҳон банки, «Каунтерпарт консорциум»дан мутахассислар иштирок этишди. Аёллар ва оилавий муаммоларнинг турли жиҳатлари ҳақида олтишдан зиёд маъруза ва илмий ахборотлар тингиланди. Анжуман иштирокчилари соғломлаштириш-даволаш муассасалари, ўқув юртлари, маҳалла кўмиталарининг иш тажрибалари билан танишиш имконига ҳам эга бўлдилар.

«ТАШАББУС — 99»

«Ташаббус - 99» вилоят танловининг якунлари кўриб чиқилди. Ушбу танловда вилоятнинг юздан зиёд тадбиркорлари, хунармандлари катнашди. «Энг зўр хунарманд» танлови бўйича биринчи ўрин гиждувонлик миллий мусиқа асбоблари ясовчи уста Исрол Худойбердиевга берилди. «Энг зўр тадбиркор» деб бухоролик Анвар Бақоев топилди. «Энг зўр фермер» танлови бўйича Пешку туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев голиб бўлди. Унинг фермер ҳўжалигидаги замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган цехда тўққиз турдаги сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Фармон ва ижро

2000 йил 4 мартдаги «Рангли металл парчалари ва чиқиндиларнинг ўғирланиши ва четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президентимиз Фармони ижроси жойларда қандай таъминланмоқда? Куйида ана шулар ҳақида сўз юритилади.

Юрт, Ватан каби муқаддас тушунчалар ҳақида гап кетганда беҳиштиёр қалбимизни унга бўлган келсиз муҳаббат, садоқат ҳислари чулбақ олади. Зотан, ҳар бир инсон ўзи туғилган ўсган қадрдон заминини улуғлашга, давлат, халқ мулкани авайлаб-асрашга масъул.

Юқорида қайд этиб ўтилган Фармон ҳам рангли металл буюмларининг худудимиздан ўзга мамлакатларга ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олишга қаратилган. Барчага маълумки, охириги пайтларда хоржий давлатларда рангли металллар танқислиги боис унинг нархи бир неча бор ошган. Бундан фойдаланган сохта тадбиркорлар эса ўз яшигилдонлари йўлида давлат — халқ мулкани ўғирлаб сотишдан тап тортмаяптилар.

Маъзур Фармон бажарилиши юзасидан Оққўр-

гонда бўлганимизда туман ИИБ бошлиғининг муовини милиция майори Бахтиёр Сулаймонов бизни куйидаги маълумотлар билан таништирди:

«Сайхун» ДАН ходимлари томонидан тўхтатиб қилинди ва қонунбузарларга тегишли чоралар кўрилди.

Республикамиз Президенти Фармонидан кейин, ИИБ томонидан махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, «Сайхун», «Қахрамон» ДАН постларида назорат ишлари кучайтирилиб, махсус ҳаракатдаги гуруҳлар ташкил қилинди. Туман худудиде «Маҳалла по-

сбонлари» ҳамда жамоатчилик вакиллари жалб қилган ҳолда шу йўналиш бўйича «Тозалаш», «Тун» ва бошқа махсус тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича участка но-зирилари иштирокида ушбу Фармон юзасидан ҳўжаликларда, қишлоқ

175 метрини кесиб, ўғирлаб олиб кетаётганларида ИИБ тўзкор гуруҳи томонидан қўлга олинди.

Орадан бир неча кун ўтгач, «Тозалаш» тадбири пайтида шу туманда яшовчи Қудрат Нишоннинг юк машинасида Қозоғистон фўкароси Берк Бекенаевга тегишли бўлган пивё тағидан 1500 килограмм металл парчалари ноқонуний олиб чиқиб кетилаётганида ушлаб қолинди.

Қонун посбонлари тунни кунга, кунни тунга улаб осойишталигимизни, тинчлигимизни, давлат ва халқ манфаатларини кўриқлаётган бир пайтда шу юртнинг нон тузини еб, тузликка тупураётган но-кўрларга қарата айтишга сўз тополмасин киши.

Шу юрт бизники. Унинг ҳар қарч ери муқаддас. Шундай экан, ушбу муқаддас заминда ҳатто бирон-бир дарахт япроғи ҳам бежиз тўқилмасин, беиз йўқолмасин.

Д. АЛЛАҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири.

ХўРЛИК

КОРХОНАСИ АСЛИ БУ ДУНЁ!

«Шаҳидлар хотираси» мажмуасини барпо этиш борасида кенг жамоатчилик фикрини тўлиқ ўрганиш ва танловлар асосида тайёрланган таклифларни икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш бўйича қарор қабул қилинган эди. Қарорга асосланган ҳолда қурилайётган мажмур мажмуа танловида Бадиий академия ҳайкалтарошлари, меъморлари ҳам ўз асарлари билан фаол қатнашиб, иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Айни чоғда мажмуага чет элдан келтириладиган рамзий хотира тоши пойтахтимиздаги Алишер Навоий ҳайкали мажмуаси устидаги гумбаз шакл ичида ўрнатилиши режалаштирилди, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига Бадиий академия президенти Турсунали Қўзиев.

— Буюк мутафаккир, шоир Мирзо Абдулқодир Бедил «Хўрлик корхонаси асли бу дунё» дея таъриф бериб, ҳур замон, ҳур одам ҳақида орзу қилганидек, биз улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, буюк давлат қуриш саринтилимқодамиз. Мустабиллик тузуми йилларида юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун қурашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка қорлаган ва алаоқибат қатагон қилинган фидойий ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида қад кўтараётган хотира мажмуаси бунинг ёрқин далилидир.

Маъмурият ва касба уюшма ҳамкорлиги

ДЕҲҚОНДАН ҚАРЗИМИЗНИ УЗДИК

Мен ҳозир меҳнат қилаётган ҳўжалик 1998 йилнинг январиде иқтисодий ноқорлагани сабабли санация қилинди ва мен шу кундан бошлаб ташқи бошқарувчи этиб тайинландим. Кейинги йилларда юз берган аҳвол билан танишар эканман, ҳўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари анча пасайиб кетганили маълум бўлди. Бир неча йил аввал 1460 бош қорамол мавжуд ҳўжаликда бор-йўғи 240 бош қорамол қолибди, холос.

Энг аввало ҳўжалик касба уюшмаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришга қарор қилдик, унинг фаоллигига таяндик. Бизнес - режага эътибор қўлдиди. Касаба уюшмаси ва ҳўжалик маъмурияти билан тузилган жамоа шартномасининг бандлари ба-жарилиши учун бор имкониятни ишга солдик. Деҳқоннинг қўли пул кўрди. 1998 йилни 759 минг сўмлик соф фойда билан якунладик. Иш ҳақи йили давомида тўлаб борилди. 1 миллион 200 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар олинди. 1999 йил якунига кўра ҳўжалигимиз 3 миллион 104 минг сўм соф фойда қилди. Энди ана шу олинган фойда ҳисобига ҳўжаликнинг иш ҳақидан қарздорлиги ёпилмоқда. Ахир, деҳқонда нима айбик, у иш ҳақини вақтида ололмасе. Ана шу мақсадда ҳўжалик касба уюшмаси билан келишган ҳолда ишчиларнинг 1997 йилги иш ҳақларини тўлаш учун 1 миллион 400 минг сўм сарфладик.

Бу муваффақиятлар омили юқорида айтганимдек, касба уюшма фаоллигига таяниб, бизнес-режани пухта тузганимиздадир. Бунинг натижасида ҳосилдорлиқни ошириб, маҳсулот таннархини камайтиришга эришдик. 534 тонна галлани эркин нархда сотганимизнинг ўзиёқ ҳўжалик хазинасига 2 миллион 660 минг сўм соф фойда олиб келди. Рентабеллик 20,8 фоизга, қорамоллар бош сони 280 бошга етди. Бир центнер пахта таннархи 33 минг ўрнига 31 минг сўмга тўғри келди.

Санация — ҳўжалигимизни иқтисодий жиҳатдан оёққа турғизиб олишга имконият эди. Биз бу имкониятдан унумли фойдаланиб, ҳўжаликнинг келажаги ойдин эканлигини исботладик.

Жорий йилда пайчилик билан ишлашга ўтиш ҳозирлигини кўраймиз. Бунда ҳўжалигимизга тегишли бўлган 18 миллион сўмлик асосий воситалар 170 нафар жамоа аъзоларимиз ўртасида пай сифатида тарқатилди. Ҳар бир пайчининг алоҳида ҳисоб рақами бўлиб, йилнинг ҳар чорағида фаолият якуни чиқарилади. Бунда шубҳасиз, ҳар бир кишининг жамоага қўшган улущи ҳисобга олиниб, меҳнатига яраша рабатлантириб борилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Биринчидан, санациядан чиққан ҳўжаликлар пайчилик усулида ишлаш учун (санация давридагидек) махсус ҳисоб рақами очилиб, пулсиз тўловларни ҳўжаликда тўлов топшириқномаси орқали бериш жорий қилинса.

Иккинчидан, галла ўриш, ёрларни шудгорлашда МТП томонидан кўрсатилётган хизмат нархи лалми, ва сугориладиган экин майдонларида бир хил. Бу ҳол маҳсулот таннарининг ўсиб кетишига олиб келмоқда. Лизинг асосида «Кейс» ва бошқа русумли техникалар умумий ер майдонига қараб ҳўжаликнинг ўзи-га берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Раҳмон ТОШБЕКОВ, Зарбдор туманидаги «Юксалиш» жамоа ҳўжалиги раҳбири.

ТАДБИРКОРЛАР

МАМНУН

«Ўзқишлоқмашхольдинг» компанияси Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжаликларини зарур техника, эҳтиёт қисмлар ва механизмлар билан таъминлашнинг яхшилаш йўлида муҳим тадбир бошлади. Нуқусда компания корхоналарида ишлаб чиқарилган энг замонавий техника ярмаркаси очилди. Бу ярмарка Оролбўйи худуди ҳўжаликларини техника, халқ истеъмол моллари билан таъминлаш ҳамда сервис хизмати кўрсатишда муҳим ўрин эгаллаш шубҳасиз.

Ярмарканинг дастлабки кунийёқ ўнлаб ширкат, фермер ҳўжаликлар, тадбиркорлар, корхоналар фойдали шартномалар тузиб, ўзлари учун зарур техник воситаларни харид қилди.

ШАХРИСАБЗ ПОЛВОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган III Халқаро турнир 14-16 апрел кунлари қадим Кеш - Шахрисабзда бўлиб ўтади. Айни кунларда бу йирик спорт анжуманини ўтказиш билан боғлиқ ишлар ниҳоясига етмоқда.

— Амир Темур хотирасига бағишланган ушбу Халқаро турнирнинг ҳар 4 йилда ўтказиш одат тусига кирди, - дейди Шахрисабз туман спорт кўмитаси раиси Б.Маматов. - Бу йилги мусобақада 20 дан ортиқ мамлакат полвонлари иштирок этиши кутилмоқда. Ҳозирда бу йирик Халқаро мусобақага катта тайёргарлик кўрилмақда. Меҳмонларни кутиб олиш, уларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш, умуман, мусобақани юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар асосий диққат-эътиборимизда турибди.

қалар кўплаб ўтказилган. 1991 йилнинг августидан Мироний кўрғончасида ўтган мусобақаларда республикамизнинг кураши ер исмамаган машҳур полвонлари иштирок этганди. Ушунда шахрисабзлик Абдуқодир полвон Пирматов ушбу мусобақада мутлоқ ғолиб деб топиларди. Катта соврин эгаси бўлган эди. Ушбу турнирнинг мантиқий давоми сифатида 1992 йилнинг 9-11 август кунлари Шахрисабзнинг «Хисор» ўйингоҳида ўзбек миллий кураши бўйича биринчи марта соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган турнир ҳам муваффақиятли ўтказилди. 1996 йилнинг 10-23 август кунлари соҳибқирон Амир



Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган Президент соврини учун II Халқаро мусобақада ҳам энг сара полвонлар иштирок этишди. Мусобақада гузурлик Баҳром Авазов «Нексия» автомашинаси соҳибби бўлди. Маҳмадуст Тошев эса вилоят ҳокимининг мукофотиغا лойиқ кўрилди. Қолаверса, ана шундай нуфузли мусобақаларни ўтказган Қашқадарёда бирон-бир тўй-тантана йўқки, курашсиз ўтган бўлсин. Курашсевар юртда яна спорт байрами. Мардлик-матонат майдо-майдо баҳслар қизийди, мухлислар олқиши ян-

СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

грайди. Ўзбек кураши юз тутати. Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

«Сўғлом авлод йили» кириб келиш арасида Латин Америкаси Кураш конференцияси ва Япония Кураш федерацияси раҳбарлари жорий йилни ўз худудларида «Ўзбек кураши йили» деб эълон қилгани бежиз эмас, - деди Халқаро Кураш Ассоциацияси Халқаро алоқалар ва спорт департаменти директори Боймурод Юсупов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Дарҳақиқат, 2000 йил кураш мусобақаларида бой бўлиши кутилмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қизғин беллашувлар бўлиб ўтади. Ҳозирқоқ мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси гурулланса, фахрланса арзийдиган жараёнлар кечаётти. Шу йилнинг ўзига Канада, Белоруссия, Англия, Грузия, Ҳиндистон мамлакатларида Кураш федерацияларининг фаолияти бошланиши ҳамда Буюк Британияда Ўзбек кураши бўйича биринчи Қироллик чемпионати ўтказилиши таҳсинга сазовордир. Буюк бобокалонимиз Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилаётган учинчи анъанавий мусобақада ҳам жаҳоннинг наманан деган, кураги ер кўрмаган ўғлонлари бир-бирларига рўбарў бўлишади. Шу-

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Ўзбек кураши бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган Президент соврини учун III анъанавий халқаро турнирда юртимиз полвонлари қатори Россия, Польша, Туркия, Исроил, Болгария, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Литва, Латвия каби йигирмадан ортиқ мамлакатларнинг сара паҳлавонлари фақат мутлоқ вазн тоифасида ғолиблик учун беллашадилар.

нингдек, май-ноябр ойлари ичида Канадада ўтказилган халқаро турнир ҳамда Канада - Ўзбекистон ўртқоқ беллашувлари, Япония очиқ чемпионати, Санта-Круз кубоги (Боливия), Доминикан Республикасидаги халқаро мусобақа, эркак ва аёллар ўртқоқ иккинчи Европа чемпионати (Польша), ўсмир ва қизларнинг биринчи жаҳон чемпионати (Твер) курашимиз тарихида унутилмас воқеалар бўлиб қолади.

Айни чоғда нуфузли беллашувага тайёргарлик қизғин кечаётти.

Бизнинг маълумот: Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир бугунгача икки марта ўтказилган. Унинг ғолиблари ўзбекистонлик Абдуқодир Пирматов ҳамда Баҳром Авазов. Бўлажак халқаро мусобақа Президент соврини учун ҳам, Амир Темур хотираси учун ҳам учинчи си ҳисобланган, дастлабки Президент соврини учун 1998 йилдаги «Жар» (Тошкент)да кечган баҳсларда курашимиз жаҳон оммаси томонидан эътироф этилди. Унда Салим Татар ўғли (Туркия) биринчи, Давид Хошошвили (Грузия) иккинчи, Индрек Пертелсон (Эстония) учинчи ва Рамаз Чачавили (Грузия) тўртинчи ўринларни банд этишганди.

Иккинчи Президент соврини учун халқаро турнир Термиз шаҳрида 1999 йил октябр ойида ўтказилди. Унинг ғолиблари:

1. Тоштемир Муҳаммадиев (Ўзбекистон).
2. Павел Малаванец (Польша).
3. Достон Примкулов (Қозғоғистон).
4. Хироэши Камимото (Япония).

ЎЗАЛЛИК КЎРИГИ

Алишер Навоий номли жамоа ҳўжалиги спорт майдончаси шу кунни эрталабдан гавжум бўлди. Агрессив ва маъму ходимлари касабани уюшма Пскент туман кўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган мусобақада биринчи босқич, яъни туман жамоа ҳўжаликларида бўлиб ўтган мусобақаларнинг ғолиб жамоалари иштирок этишди.

Спортнинг 5 тури бўйича ўтган қизиқарли баҳсларда биринчи бўлиб шашкачилар маррага етиб келдилар. Шашкачилар баҳсида «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги вакили Ирода Абсаломовага тенг келадиган рақиб топилмади. Теннисчилар беллашуви ҳам қизиқарли ўтди. Эркаклар гуруҳида Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги аъзоси Абдурашул Саидбоев ғолиб бўлган бўлса, аёллар мусобақасида Аҳмад Дўстбоев номли жамоа ҳўжалиги болалар боғчаси тарбиячиси Дилором Умарова юқори кўрсаткичга эришди.

Футбол беллашувлари томошабинларнинг ҳаяжонли олқишлари билан ўтди. Барча рақиб жамоалардан устун келган «Туркистон» жамоа ҳўжалиги футболчилари ғолиб деб топилди.

Тош кўтарувчилар беллашувида эса ҳар бир ҳўжаликдан биттадан полвон майдонга чиқди. Бунда мезбон — Алишер Навоий номли жамоа ҳўжалиги аъзоси Нодир Тўйчиевнинг кўрсатган натижалари юқори бўлди. Туман касабани уюшмалари кўмитасининг раиси Низомиддин Зиёвутдинов ғолибларга қимматбахш совғаларни тантанали равишда топширар экан, жамоа ҳўжаликлари ўртасида дўстона руҳда ўтган мазкур мусобақа соғлом авлод йўлида олдга ташланган кичик бир қадам бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Энди беллашув ғолиблари тез кунларда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтадиган Тошкент вилояти биринчилиги мусобақаларида қатнашадилар.

Т. ХАЙДАРОВ.

ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмалари Чирчиқ туман кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган спорт беллашувларида туман мактаб ўқувчилари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Спортнинг барча турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда 90-, 63- ва Усмон Юсупов номли мактаб жамоалари ғолиб бўлдилар. Шунингдек, Улуғбек номли гимназия, Мирзо Бедил, Фафур Фулом, Чўлпон, Қори Нисозий номли мактаблар жамоалари вакиллари ҳам совриндорлар сафидан жой олишди. Мусобақаларда айниқса Суяр Нафасов, Хурсанд Рўзиев, Гулзода Ҳақбердиева, Ойша Эргашева, Дилфўза Муродова, Раиса Шарафиддинова сингари спортчи ўқувчилар ўзларини кўрсатдилар.

Ғолиб спортчи ёшларга таълим ва фан ходимлари касабани уюшмалари туман кўмитасининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар тақдим этилди.

Ш. СУЛТОНОВ.

МАҚСАД — СИДНЕЙГА БОРИШ

Яқинда Тошкент шаҳрида оғир атлетика бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида қорақалпоғистонлик тўрт нафар спортчи республикамиз чемпиони бўлдилар.

— Бу чемпионат республикамизда оғир атлетика турниринг яхши ривожланаётганини кўрсатади, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига Ўзбекистон ва Қора-

қалпоғистонда хизмат кўрсатган мураббий Абат Нуриллаев. — Чемпионат якуни бўйича қорақалпоғистонлик уч нафар спортчи — Бахтиёр Нуриллаев, Рустам Жумамуратов, Фозилбек Ўразимбетовлар Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди. Улар 1 ва 9 май кунлари Япониянинг Осака шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашадилар. Осиё чемпионати ғолибларига эса Сидней олимпиадасига йўлланма берилади. Мақсадимиз — шу йўлланмани қўлга киритиш.



Мен ҳам келажакда юртимиз шарафини ҳимоя қиламан.
К.ТўРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Тошкент отчопари негизда Республика миллий спорт турлари маркази ташкил этилди.

Тошкент отчопари биносида Республика миллий спорт турлари маркази тақдироти маросими бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққан Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б.Махситов йиғилганларни Республика миллий спорт турлари марказининг очилиши билан чин дилдан табриклар, Ватанимиз мустақиллиги барча соҳаларда бўлгани каби спортимиз, жумладан миллий спорт турларининг ҳам

«Улоқ-кўпқари» ҳамда «Алпомиш ўйинлари» мусобақалари миллий спортимиз ра-

Кейин бу гуруҳда ихтилоф пайдо бўлиб, тақводорларнинг баъзилари мазкур илоҳий куч, яъни ташқи сабаб бандасига нисбатан Оллоҳнинг ҳукмида ва унга шак келтириб бўлмайдиган, дея бошладилар. Улар орасидаги табиатунослар эса, бу ташқи сабаб - саодат ёки фалокат келтирувчи самовий жисмларнинг ҳаракатидир, деган фикрни айтишди. Бошқа гуруҳдагилар эса одамларнинг ҳаракат ва интилиш туйғулари бахт-саодатга эришувлари уларнинг аjoyиб дид ва фаросатлари туйғулари: камбағал бўлиш ёки муваффақиятсизликка учрашининг сабаби кишилардаги диднинг пастлиги, уларнинг адашишидир, дейдилар.

Нарднинг яратувчисига келганда, у ўз кўрсатмаларида биринчи йўл тўғрисида гапирётгандек бўлади. Гап шундаки, у мазкур ташқи сабаб ўрнига иккита шошқол қўйган: бунда қобилияти туйғулари ютиб чиқишга ҳақли ва лойиқ бўлган кишининг эмас, балки калтафаҳм ва жуда буш томоннинг галаба қозонишига имконият яратиб берувчи тиришқоқлик кифоядир...

Шахматнинг яратувчиси ўз кўрсатмаларида бошқача йўл тўғрисида гапирётгандек бўлади. У ўзига кўмаклашувчи бирон-бир ташқи сабабни аралаштирмайди, балки ўйинчиларнинг иккаласига ҳам инсонга берилган куч билан бирга баб-баравар қурол тутқизади. Бинобарин, бунда ҳамма нарса истаганини танлашга асосланган: у уста ўйинчиларнинг қандай галаба қозонишини ва рақи-

би ни сиқиб, унинг йўлларини ағаллаб ҳамда қуролларини ишдан чиқариб, енгиб чиқишни равшан кўрсатиб берган.

Шахмат ва нард ўртасидаги баҳсда Рогийнинг истаганини танлаш хусусиятига ага шахмат тарафдори бўлганлигини пайқаш қийин эмас. Рогийнинг бу позицияси яна шунинг учун ҳам қизиқки, чамаси бу унинг фалсафий қарашларини акс эттирган.

Чунинчи, бизнинг давримизда чоп этилган «Ислом энциклопедияси»да ар-Рогий ҳақида «Фахриддин деган кимса унинг ортодоксал эканини исботлагунинга қадар, ар-Рогийнинг кўплар муътазалий деб ўйлардилар», дейилган.

— Биз, - дейди Авербах, - Фахриддиннинг асослари билан яхши таниша олмадик, лекин, «Шахмат этикаси»дан ар-Рогийнинг муътазалийлар ва

МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

жадал ривожланишига кенг йўл очиб берганлигини алоҳида мамнурият билан таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий спорт ўйинларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Миллийлигининг бир кўриниши бўлган халқ ўйинлари ўзимизга қайтарилди. Зотан, ўтган йиллар мобайнида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган биринчи «Тўмарис ўйинла-

Марокли машқлар.

Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

уларнинг қисмати ҳақидаги ақидаларга қарши курашига, яъни билишини ягона манба - ақлдор, деган фикрига хайрихоҳ экани равшан билиниб турибди.

Қисмат ҳақидаги ақидаларнинг ҳаётий тажрибага мос келмаслиги ва мантиқсизлиги уламолар ўртасида кўпинча баҳс ва қарама-қаршилиқлар туғдирган. Уша даврларда бу ақидаларни ҳаётий тажриба билан боғлашни кўзда тутувчи мураккаб назариялар ишлаб чиқилган. Рогий қисматга қўрқуна ишониш зарарли бўлиб, одамларга нуқул халақит беришини уқдиришга ти-

ришади. Кейин у нардининг нималигини изоҳлайди. Лекин унинг бу борадаги фикрлари яқна-ю ягона фикр эмас, нард шахматдан кейинроқ Эронда кашф қилинган, деган фикрлар ҳам бор. Нардининг яратилишига бағишланган асарларда бу ўйин худди оламнинг ту-

ришади. Кейин у нардининг нималигини изоҳлайди. Лекин унинг бу борадаги фикрлари яқна-ю ягона фикр эмас, нард шахматдан кейинроқ Эронда кашф қилинган, деган фикрлар ҳам бор. Нардининг яратилишига бағишланган асарларда бу ўйин худди оламнинг ту-

ШАХМАТ ОДОБИ

Мамажон МУХИТДИНОВ

Ғолиб эса мағрур борар байроқини олиб.

Кўринишдан гўё улар билишмас шифқат,

Аслида-чи, бир-бирига етмас жароҳат.

Душманчилик бўлмагандек азвалдан-азал,

Дил чигилин очиб билан бу ўйин гўзал.

Шахмат - жангчининг нуҳаси. Бундай тасвир кўплаб асарларга хос нарса. Чунинчи, улуг Фирдавсийнинг «Шохнома» асариди: «Бу ўйинга йўл топишин билан жангнинг бориши-ю маъносини ва қурол-аслаҳаларини кўрсатан», дейилган. Бундан кейинги кичикроқ бир боб шахмат ўйнашга бағишланган. Ар-Рогий бу бобда турлича фикрларни келтирди, лекин бутун раъйи шахматда экани равшан кўринади. Бундай боб араб шахмат ривожлари учун анъанавий бўлиб қолган. Бунинг сабаби шунки, халифаликда йиллиқдан олдин шахмат қаттиқ қаршилиқларга дуч келган: уша тақводорлар бу ўйин Оллоҳга хуш келмаслиги, ошқ ва нард қатори ман этилиши лозимлигини исботлашга уринганлар. Буларнинг акс-содоси адабиётда ўз ўрнини тоғди.

пайта: Бир-бирларин маҳд этмоққа бўлибон тайёр, - Саф тортишган суворийлар турар шиддаткор, Ҳар томоннинг лашкари-ю бордир рақобар. Кўрқув билмас мустаҳкамдир унинг сафлари Кўз ўнгингда бири мағлуб, бириндир ғолиб,

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилы: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14,002 нуска. Сотишда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00